



**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА
ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ЖИНОЯТЛАРДАН ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Каттақулов Муродилло Қурбонбоевич
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети мустақил изланувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10699821>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2024
Accepted: 23th February 2024
Online: 24th February 2024

KEYWORDS

Вояга етмаганлар, жинсий эркинлик, жинсий дахлсизлик, номусга тегиши.

ABSTRACT

Мазкур мақола вояга етмаганларнинг жинсий эркинлиги ва жинсий дахлсизлигига қарши жиноятларнинг олдини олиш муаммосига бағишиланган бўлиб, мазкур турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги масалалари ҳамда бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама этилган.

“Дунё болалари бегуноҳ, ҳимоясиз ва бирорларга қарам. Улар қизиқувчан, бақувват ва умидга тўла. Уларнинг вақти қувонч ва тинчлик, ўйин, ўқиш ва ўсиш вақти бўлиши керак. Уларнинг келажаги уйғунлик ва ҳамкорликка асосланган бўлиши керак. Уларнинг истиқболлари кенгайиб, тажриба орттиргани сайин уларнинг ҳаёти янада мазмунли бўлиши керак”.

“Болаларнинг омон қолиши, ҳимояси ва ривожланиши тўғрисидаги Жаҳон Декларацияси” (“Всемирная декларация об обеспечении выживания, защиты и развития детей”) (Нью-Йорк, 1990 йил 30 сентябрь)[1]

Дунё бўйича ҳар куни кўплаб болалар турли хавф-хатарларга дуч келмоқдалар, улардан бири ва энг мураккаб шаклларда намоён бўлаётганлиги бу – болаларнинг жинсий эксплуатацияси бўлиб, вояга етмаганларнинг жинсий эркинлиги ва жинсий дахлсизлигини ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятлар сони жуда тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Масалан, биргина Ўзбекистонда болаларга нисбатан жинсий зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар учун судланганлар сони сўнгги тўрт йилда икки баробарга ошган. 2019 йилда жами 151 та шундай ҳолат қайд этилган бўлса, 2022 йилда уларнинг сони 311 тага етган. 2022 йилда 16 ва ундан кичик ёшдаги барча болаларга нисбатан 238 та, 14 ва ундан кичик ёшдаги болаларга қарши 73 та жиноятлар учун ҳукм чиқарилган. 2023 йил 28 июл куни Фарғонада ИИВ мутасаддилари билан учрашган Президент Ш.Мирзиёев яқинда содир бўлган 11 ёшли қизнинг зўрланиши ва ўлдирилиши билан боғлиқ ҳодисани «вазиятнинг нақадар оғирлашганига» мисол қилиб кўрсатди. 2023 йил 22 июл куни Ўзбекистон Бош прокуратураси Фарғонада бир неча кун аввал жасади топилган қизни зўрлаб ўлдиришда айбланаётган 17 ёшли фуқаро ҳибсга олинганини маълум қилди. 2023 йил 26 май куни суд томонидан 12 ёшли қизни зўрлаган ва ўлдирган қотил бир умрлик



қамоқ жазосига ҳукм қилган эди. Қиз 31 январ куни ғойиб бўлган, бир кундан кейин унинг жасади топилган эди[2].

Сенатнинг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлисида Танзила Нарбаева сўзга чиқиб, 2020 йилда 156 та, 2021 йил 243 та номусга тегиш жинояти содир этилган[3] лигини аянч билан тилга олган эди.

Бундан ташқари, 2023 йил 6 ойида 16 ёшга тўлмаганларга нисбатан жинсий тажовуз билан боғлиқ жиноятлар учун 257 нафар шахсларга суд ҳукмлари ўқилган.

- 15 нафар жиноятчи 14 ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиши;
- 44 нафар жиноятчи 14 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш;
- 163 нафар жиноятчи 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилишда;
- 35 нафар жиноятчи 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш жиноятларини содир этгани учун жазоланган[4].

Замонавий дунёда ижтимоий муносабатларнинг мураккаб доираси бўлмиш болаларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлашнинг институционал ва хуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу борада шундай дейди: – “Биз бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим: ота-она, жамият эътиборидан четдан қолган бола оиласа қувонч ва фойда ўрнига фақат ташвиш келтиради. Шу боис бола тарбияси, ёшлар билан ишлаш биз учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолиши шарт”[5].

Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигини таъминлаш ҳар доим давлатимиз жиноий-хуқуқий сиёсатининг уступор йўналишларидан бири бўлиб келган. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик муаммоларига илмий қизиқиш сусаймайди. Бундай жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят хуқуқи нормаларини ўрганиш, уларни қўллаш натижасида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш олимлар ва амалиётчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Сўнгги йилларда «Янги Ўзбекистон»ни барпо этиш йўлида мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазийқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда хуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга, болалар орасида назоратсизликнинг ва улар томонидан хуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга, шунингдек ногиронлиги бўлган болаларни ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-куватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса хотин-қизларнинг жамиятдаги роли, ўрни ва нуфузини ошириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариш ва уларни умумэътироф этилган жаҳон андозалари талабларига келтириш юзасидан қилинаётган саъй ҳаракатлар алоҳида эътиборга молик.



Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги «Хотин-қизлар ва болалар ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-829-сон Қонуни ушбу ислоҳотларда муҳим ўрин тутади.

Қабул қилинган Қонун билан хотин-қизларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда юзага келаётган бир қатор муаммоларни бартараф этиш ва болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳукуқий асосларини мустаҳкамлаб қўйишга қаратилган бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, амалдаги Жиноят кодекси 118-119-моддаларида шахснинг 14 ва 18 ёшга тўлмаганлиги “айбдорга аён бўлган”лик каби зарурий белгиси олиб ташланди.

А.Н.Игнатов жинсий эркинликка қарши жиноятлар деганда, “жамиятда ўрнатилган жинсий алоқалар меъёрини ва жинсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган жинсий ахлоқнинг асосий тамойилларини қўпол равища бузадиган ижтимоий хавфли ҳаракатлар”[6] сифатида таърифлаган бўлса, П.П.Осипов жинсий жиноятлар деганда, “айбдор ёки учинчи шахслар томонидан жинсий манфаатларни қасдан бузишга қаратилган ижтимоий муносабатлар”[7] сифатида таърифлаган.

А.Б.Кирюхин ва П. В. Шмарионларнинг фикрича, “Вояга етмаганларга зўравонлик билан жинсий тажовуз оқибатларининг ижтимоий хафлилиги қурбонларда жароҳатдан кейинги жиддий ҳолат ва реакцияларнинг ривожланиш эҳтимолининг мавжудлигидир, яъни, вояга етмаганларда сезиларли ўзгариши билан боғлиқ руҳий қасалликларнинг пайдо бўлиши кабилар. Кўпинча бундай соматик, ақлий ва психосоматик ўзгаришлар қайтарилмас ва катталарга нисбатан оғирроқ шаклларда содир бўлади”[8].

А.А.Бимбинов эса, “Мазкур турдаги жиноятларни инсоннинг шахсий ҳукуқлари ва қадр-қимматини жиддий равища бузиш орқали, нафақат унинг соғлиғига жиддий жисмоний ва руҳий заарар етказади, балки унинг ижтимоий ҳаёти учун оғир оқибатларга олиб келади (оиланинг бузилиши, ишдаги муаммолар, ноқонуний ёки ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар ва бошқалар.)”[9] дея уларнинг ижтимоий хавфлилигини кўрсатади. “Мазкур турдаги жиноятлар нафақат жинсий эркинлик ва жинсий дахлсизликка тажовуз қиласи, балки, вояга етмаганларнинг ахлоқий ва жисмоний ривожланишига заарар етказади, одамларнинг ахлоқий туйғуларига путур етказиб, шу билан ахлоқий меъёрларни қўпол равища бузилишига сабаб бўлади”[10], дейди Е.П.Новикова.

А.М.Мартиросьян вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жинсий жиноятлар учун жиноий жавобгарликни тартибга солишининг муаммолари ва мураккабликлари бир нечта ҳолатларга боғлиқ деб ҳисоблайди, яъни: “ушбу ҳужумларнинг объектлари ва усулларининг кўплиги; уларнинг табиий латентлиги; мотивнинг биологик табиати; бир вақтнинг ўзида зўравон ва жабрланувчининг вояга етмаганлиги”[11].

Шу ўринда, жинсий эркинлик ва жинсий дахлсизликка тажовуз қилувчи жиноят сифатида “номусга тегиш” атамасига тўхталиб ўтсак. БМТ Бош Ассамблеясининг 1993



йилда қабул қилингандай "Аёлларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш тўғрисида"ги Декларациясида "аёлларга нисбатан зўравонлик деганда, бу жинслар ўртасидаги тарихан ўрнатилган тенгсизликнинг намоёнидир, уни нафақат чекланган ижтимоий қолдиқ сифатида, балки инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши сифатида ҳам енгиб ўтиш керак"[12] дейилган. Мавжуд тенгсизликларни, шунингдек бузилишларни бартараф этишда асосий рол аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда жиноий-ҳуқуқий нормалар асосий роль йўнаши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 118-моддаси мазмунида "Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш"[13] сифатида таърифланган. Шуни таъкидлаш лозимки, бошқа адабиётларда[14] "жинсий йўсингдаги ҳаракатлар" мазмунидаги атамалар ҳам учрайди ва бу жиноятлар тоифасига Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 120-моддаси (Бесоқолбозлик), 121-моддаси (Шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур қилиш) кабиларни киритиш мумкин.

Умуман олганда, вояга етмаганларни жинсий эркинликка тажовуз қилувчи жиноятларнинг олдини олишда олдимиизда бир қатор ҳал этилиши лозим бўлган илмий изланишларни талаб этмоқда:

- вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик билан содир этиладиган жинсий жиноятлар учун жиноий жавобгарликнинг ривожланиш тарихини таҳлил қилиш (тенденцияларни аниқлаш ва замонавий илмий қарашларни ўрганиш);
- жиноят содир этиш обьекти ва содир этиш усули ҳақидаги доктриnavий ғояларни танқидий баҳолаш (ЎзР ЖК 118-119-моддалари);
- вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жинсий жиноятлар таснифини амалга ошириш;
- "жинсий эркинлик", "жинсий дахлсизлик", "вояга етмаганларнинг нормал ривожланиши манфаатлари", "жабрланувчи", "зўравонлик", "жинсий йўсингдаги ҳаракатлар" тушунчаларининг мазмунини аниқлаштириш;
- жинсий жиноятлар қурбонларининг вояга етмаган ёшини унификациялаштириш имкониятларини муҳокама қилиш
- 2020-2023 йилларда содир этилган вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва жинсий эркинлигига қарши зўравонлик жиноятларининг ҳолати, тузилиши ва динамикасини таҳлил қилиш.

References:

1. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/decl_child90.shtml
2. https://central.asia-news.com/uz-Cyr/article/cnmi_ca/features/2023/08/11/feature-01
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/04/07/tanzila-narbayeva/>
4. <https://kun.uz/15107103#!>
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017. – Б.135.



6. Игнатов А.Н. Игнатов А.Н. Квалификация половых преступлений. М.: Юрид. лит., 1974. 255 с.
7. Осипов П.П. Половые преступления: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Л., 1967. 16 с.
8. А. Б. Кирюхин, П. В. Шмарион. Анализ современного состояния преступлений против половой неприкосновенности и половой свободы несовершеннолетних, совершаемых в семье // Вестник Воронежского института МВД России № 1 / 2020. Стр. 221-225
9. А.А.Бимбинов. Изнасилование и насильственные действия сексуального характера: качество закона и вопросы квалификации // Всероссийский криминологический журнал. 2018. Т. 12, № 6. С. 896–904
10. Е.П. Новикова Криминологическая безопасность половой свободы и половой неприкосновенности несовершеннолетних // Вестник Воронежского института МВД России № 4 / 2018. С.199-203.
11. Мартиросян А.М. Насильственные половые преступления в отношении несовершеннолетних: уголовно-правовой и криминологический аспекты. Авто.канд.юрид.наук. - 2009. 28. // <https://www.dissercat.com/content/nasilstvennye-polovye-prestupleniya-v-otnoshenii-nesovershennoletnikh>
12. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/violence.shtml
13. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://lex.uz/docs/111453#240507>
14. А.С. Ященко. К вопросу о дефинициях терминов «изнасилование» и «насильственные действия сексуального характера» и их соотношении // <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-definitsiyah-terminov-iznasilovanie-i-nasilstvennye-deystviya-seksualnogo-haraktera-i-ih-sootnoshenii>